Ватанни севмак иймондандур!

# ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1996 йил 16 январь, сешанба. №7. (21.928). Сотувда эркин нархда.

## АЗАЛИЙ ҚАРДОШ ЮРТ

***16 январда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Туркманистонга ташриф буюради***

Туркманистонни гоҳо саҳролар ва воҳалар ўлкаси, деб атайдилар. Бу сифатлаш Туркманистонга нисбатан бежиз ишлатилмаган. Зеро, юрт ҳудудининг қарийб 80 фоизи саҳролардан иборат. Мамлакатнинг жанубида унча баланд бўлмаган тоғлар мавжуд. Қарийб 4 миллион нафарни ташкил этадиган мамлакат аҳолиси, асосан, Туркманистоннинг Амударё, Мурғоб, Тежен, Атрек дарёлари ва Қорақум канали бўйларида истиқомат қилади. Аҳоли зичлиги — мамлакат ҳудудининг бир квадрат километрига қарийб 9 киши тўғри келади.

Туркманистон 1991 йилнинг 27 октябрь куни миллий мустақиллигини эълон қилди. Истиқлолга эришган янги мустақил давлатлар қатори у ҳам ўз иқтисодиётини бозор муносабатларига кўчириш йўлини тутди. Мамлакат парламенти — Халқ Маслаҳати 1992 йилнинг декабрь ойида қабул қилган «Фаровонликнинг ўн йили» дастурида бозор муносабатларига ўтишнинг асосий йўналишлари белгилаб берилган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ҳамда Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон аъзо бўлган ягона иқтисодий макон доирасидаги иқтисодий интеграция жараёнига Туркманистоннинг муносабатида ўзига хос ёндашув намоён бўлмоқда. Мамлакат парламенти яқинда Туркманистонни нейтрал давлат деб эълон қилди.

Маълумки, Ўзбекистон ва Туркманистон халқларининг азалий қон-қардошлик алоқалари минглаб йиллик тарихга эга. Анъаналар, тил, маданият, дин ва дил бирлиги узоқ мозийдан буён икки халқ ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларига мустаҳкам пойдевор яратган. Ўзбекистон ва Туркманистоннинг истиқлол давридаги янгича муносабатлари ҳуқуқий асоси 1991 йилда Ашгабатда имзоланган дўстлик ва ҳамкорлик ҳақидаги шартномада ҳамда 1992-1995 йилларда иқтисодий ва маданий ҳамкорлик тўғрисидаги битимда ўз аксини топган. Бундан ташқари 1991-1995 йилларда Тошкентда ва Ашгабатда савдо-иқтисодий ҳамкорлик, транспорт ва алоқа соҳасидаги ўзаро муносабатларнинг асосий тамойиллари, божхона, банк, электр ва почта алоқаси, сайёҳлик, маданият соҳаларида ўзаро ҳамкорлик қилиш тўғрисида талай ҳужжатлар имзоланган.

Ўзбекистон билан Туркманистон ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқалар тадрижига кўз ташлайдиган бўлсак, қуйидаги рақамлар намоён бўлади. 1995 йилнинг ўн ойида икки мамлакат ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 232,5 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Бу кўрсаткичнинг 136,6 миллион доллари экспорт, 95,9 миллион доллари импорт маҳсулотларидан иборат. Ўзбекистондан Туркманистонга 30 турдаги маҳсулот экспорт қилинди ва айни пайтда Туркманистондан ҳам мамлакатимизга қарийб шунча номдаги маҳсулот келтирилмоқда.

Мамлакатларимизнинг ёнма-ён жойлашгани, ҳар икки давлат ҳам бой табиий, инсоний, интеллектуал заҳираларга эгалиги, қолаверса, азалий қардошлик ўзаро муносабатларни янги поғонага кўтаришни, мавжуд имкониятлардан тўлароқ фойдаланишни тақозо этмоқда. Шу боис Президент Ислом Каримовнинг 16 январда Туркманистонга сафари бу борада муҳим қадам бўлиши кутилмоқда.

**Амирқул КАРИМ, (ЎзА).**

*Иқтисодиёт олами*



**Тўрткўл тумани марказида очилган «Файзи баракат» супермаркетида маҳсулотлар сероб. 1200 турдаги маҳсулотлар харидорларга манзур. Супермаркетда кенг ва ёруғ кафетерий ҳам мавжуд. Савдо уйи раҳбарлари Қорақалпоғистон, Ўзбекистон ва чет эл мамлакатларидаги фирмалар билан мустаҳкам алоқалар ўрнатиб, дўконни сифатли моллар билан тўлдиришга ҳаракат қилишаётир.**

**Юқоридаги суратда: кафетерий раҳбари Зулфия Анназарова.**

**Бундан бир неча ой муқаддам Оқтош шаҳридаги ёғ-пишлоқ заводи давлат тасарруфидан чиқарилиб, «Саломатлик» ҳиссадорлик жамиятига айлантирилганди. Корхона тез орада ўзини ўнглаб олди. Фойданинг асосий қисми ишлаб чиқаришни ривожлантиришга сарфланаётган бўлса, қолган қисми одамларни ижтимоий ҳимоя қилишга ишлатилаётир. Корхонанинг янги биноси ҳам жадал суръатлар билан бунёд этилмоқда.**

**Пастдаги суратда: парҳез таомлар цехи ишчиси Меҳринисо Қаршиева.**

**А.МУРОТОВ ва Т.НОРҚУЛОВ (ЎзА) олган суратлар.**



*1996 йил — Амир Темур йили*

## ҚУТЛУҒ САНАНИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛАЙЛИК

Вазирлар Маҳкамасида 13 январь куни буюк соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ташкилий қўмитасининг навбатдаги йиғилиши бўлди. Уни республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари, мазкур қўмита раиси И. Жўрабеков бошқарди. Йиғилишда тегишли вазирликлар, қўмиталар, идора ва ташкилотлар, ҳокимликлар раҳбарлари қатнашди.

Йиғилишда юбилей муносабати билан тарихий обидаларни таъмирлаш бўйича амалга оширилаётган ишларнинг бориши, Тошкент шаҳрида «Темурийлар тарихи» Давлат музейини барпо этиш, буюк соҳибқирон ҳақида бадиий фильм яратиш, халқаро илмий анжуманларга, шунингдек, ЮНЕСКОнинг Париждаги қароргоҳида бўладиган «Темурийлар даврида илм-фан, маориф ва маданият равнақи» мавзуидаги ҳафталикка тайёргарлик кўриш, Амир Темур фаолиятига доир илмий-оммабоп ва бадиий асарларни нашр этиш ҳамда «Темурийлар даври маданияти ва санъати» мавзуида халқаро туристик маршрутлар очиш юзасидан белгиланган тадбирларнинг бажарилиши билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

Ёрқин ҳаёти ва фаолияти билан инсоният тарихида ўчмас из қолдирган улуғ бобокалонимиз таваллудининг 660 йиллиги бу йил бутун дунёда кенг нишонланади. Шубҳасиз, ватанимизда ўтказиладиган тантаналарга жаҳоннинг кўплаб мамлакатларидан меҳмонлар, олим ва мутахассислар ташриф буюради. Ушбу буюк санани муносиб кутиб олиш учун республикамизда кенг миқёсдаги ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Самарқанд шаҳрида тўққизта, Шаҳрисабзда саккизта ҳамда Қарши шаҳрида тўртта тарихий обида ва ёдгорликларда таъмирлаш тадбирлари олиб борилмоқда. Шунингдек, пойтахтимизда кўплаб қурилиш, ободонлаштириш ишлари давом эттирилмоқда. Олим ва мутахассисларнинг бир қанча асарлари чоп этилди ва яна бир нечта янги асарлар, қадимий қўлёзмалар нашрдан чиқмоқда. Ҳазрат соҳибқирон тўғрисида бадиий фильм яратиш устидаги ишлар ҳам давом этмоқда. «Ўзбектуризм» миллий компанияси Амир Темур ва Темурийлар даврига доир янги маршрутлар лойиҳасини ишлаб чиқди.

Юбилей тантаналари истиқлолга эришган соҳибқирон ватани — Ўзбекистонимизни жаҳонга яна бир карра намойиш этадиган муҳим тадбир бўлади. Йиғилишда, ана шулардан келиб чиққан ҳолда, Амир Темур тўйини ўтказишга катта масъулият билан ёндашиш лозимлиги алоҳида таъкидланди.

Кескин танқид руҳида ўтган мазкур йиғилишда Вазирлар Маҳкамасининг Амир Темур таваллудининг 660 йиллигини нишонлаш тўғрисидаги қарорини бажариш борасида талай ишлар қилинганига қарамай, бир қанча қурилишлар, қутлуғ қадамжо ва тарихий обидаларни таъмирлаш ва қайта таъмирлаш ишлари суръати талаб даражасида эмаслиги, бу борадаги ишларни янада жадаллаштириш ҳамда мавжуд камчилик ва нуқсонларни зудлик билан бартараф этиш лозимлиги яна бир бор уқтирилди. Муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли вазирлик, ҳокимлик, идора ва ташкилотлар раҳбарларига аниқ кўрсатмалар берилди.

Йиғилишда Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х. Жўраев, Бош вазир ўринбосарлари Р. Юнусов, С. Саидқосимов, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов қатнашдилар.

**(ЎзА).**

*Партия ҳаёти*

## ЕНГ ШИМАРИБ ИШЛАСА...

Муҳаббат Жўраевани Шерободда ишлайман деб енг шимарган партия фаоли, дейишади.

Партия фаоли, деган ном илгари унинг вазифаси-лавозимига боғлиқ эди —у ХДП туман кенгашининг котиби эди. Миллий ҳунармандчилик лицейида директор бўлиб ишлаяпти ҳамки, ҳамон — партия фаоли. Чунки, лицейдаги ташкилий ҳамда тарбиявий ишларни бугунги куннинг мароми: миллий мафкура йўналишлари, иқтисодиётимизнинг тамойиллари, қадриятларимиз қирралари билан боғлайди. Кичкинагина гапдан катта ташаббусларнинг, кичик имкониятдан салмоқли режларнинг ҳадисини илғайди.

Мисол келтирамиз: лицей қошида М. Жўраева зардўзлик ишхонасини очди. Ишхонага 25 нафар қизни жалб қилди. Унда келин-куёвлар, тўйболалар учун миллий либослар тикиляпти. Энди очилаётган каштачилик цехига бўлса 18 қиз жалб қилинди.

Лицей қошида ҳозир сартарошхона, телерадио устахонаси, пойабзал таъмирлаш дўкони ва ҳатто, қуёнчилик кичик фермаси очилди.

Жўраева лицей тасарруфида бўлган 5 гектардаги буғдойдан туман бўйича энг юқори ҳосил олиш ҳаракатида эканлигини билдирди.

У туман партия кенгашида тез-тез бўлиб туради, йиғилишларда айтган гапларини эшитганлар шоша-пиша ёндафтарларини олиб, у билдирган таклифларни, мулоҳазаларни ёзиб қўядилар. Ҳаммадан ҳам у бошланғич ташкилотларининг ташаббускор бўлиши лозимлигини кўпроқ таъкидлайди.

**(Ўз мухбиримиздан).**

*Иқтисодиёт олами*

## ҲИСОБЛИ ДЎСТ АЙРИЛМАС

**Сурхондарё ичимлик сув ишлаб чиқариш ва таъминот бошқармасининг дебитор қарзлари... 41 миллион сўмга етди!?**

**Бошқарма вилоятнинг қарийб ярим аҳолисини Хўжаипок ҳавзасининг шифобахш суви билан таъминлайди. 180 километрга чўзилган магистраль сув қувурларидан секундига 800 куб метр об-ҳаёт оқади.**

**— Биз азбаройи сув келтирмоқ — савоб, деган нақл ҳурмати, жўмракларни ёпиб қўймаяпмиз,— дейди бошқарма бошқарувчиси Суюн Турсунов, — дебиторлик қарзлари электр тармоқлари идоралари билан муомалаларимизни чигаллаштирмоқда. Музработ, Қизириқ, Шеробод туманлари хўжаликларининг қарзлари айниқса чўзилмоқда. Ҳисобли дўст-айрилмас, деган нақл ҳам бор, ахир.**

**Яна бир гап: Хўжаипок ҳавзаси заҳираларининг чегараланганлиги ҳисобга олиниб, ичимлик сув қувурларини Тўпаланг дарёсига туташтиришга қаратилган юмушлар бошлаб юборилди. Демак, ичимлик суви камаймайди. Фақат ҳисоб-китобларда узилиш бўлмаса бўлгани.**

**Олимжон УСАНОВ.**

*Иқтисодиёт олами*

## БАХМАЛ ПИЧОҒИНИНГ ШУҲРАТИ

**Бахмал туманидаги Новқа қишлоғида халқ ҳунармандчилиги йил сайин ривожланмоқда. Асрлар оша эъзозланиб келаётган эгарчилик, бешикчилик, кулолчилик, ёғоч ўймакорлиги ва бошқа соҳалар қатори пичоқчилик ҳам равнақ топаяпти. Уч авлоди шу соҳада шуҳрат таратган Абдуқаюм Каримов пичоқчилик устахонаси очиб, республикамиз ҳудудларига халқ амалий санъатини намойиш этаяпти. Уста ясаган пичоқлар қўшни республикаларда ҳам машҳур. Яқинда у республикамиз миқёсида ўтказилган мусобақада иштирок этиб, мухлислар олқишига сазовор бўлди.**

**Пичоқчилик санъатини ёшларга ўргатиш ҳам қарз, ҳам фарз. Тумандаги Иброҳим Кулиев номли мактабда пичоқчилик курси ташкил этилди. Бу курсда ҳозир 21 нафар ёшлар халқимизнинг асрий санъатини ўрганяптилар.**

**Абдуқаюм Каримов саховатли инсон. У ўзи яшаётган қишлоғидаги икки нафар ногиронга ўз жамғармасидан хайрия ёрдами уюштириб турибди.**

**Пардабой ТОЖИБОЕВ.**

*Муносабат*

## ҲАММОМНИ ҚЎМСАБ

Яқинда «Майсаранинг иши» кулги-киносини кўриб ўйланиб қолдим. Алабатта, экран томошасида ҳазил-мутоибага кўпроқ ўрин берилган бўлса-да, азалий қадриятларимизнинг асосини пайқаш мумкин. Беланги бўлиб қолган Мулладўст беҳудага йигитдек бўлиб, қад ростлагани йўқ. Ҳар бир нарсанинг боиси бўлади. Кексаларимиз яхши билишади. Илгари гумбазсимон, ҳовузли ҳаммомларда лаббайчи, хизматингизга ҳозиру нозир ходимлар бўларди. Шунақанги билиб уқалар эдиларки, гўё минг дарддан фориғ бўларди киши. Бу ҳаммомларда буғланиш учун алоҳида, бир пиёла чой ичиб ҳордиқ чиқариш учун бошқа-бошқа хоналари бўларди...

Нолисак бўлмайди, ношукрликка йўл қўямиз. Тошкенти азим ободонлашиб, кўркамлашиб, каттаю кичикнинг фахрига айланиб бормоқда. Бу яхши, албатта. Лекин нима учундир даҳа, мавзелардаги ҳаммомлар йўқолиб боряпти. Ҳозир шаҳар айланиб ҳаммомга тушиш мушкулот деяверинг.

Ўзим 85 баҳорни кўрдим, мени эзмаликка йўйманглар. Гапимни мухтасар қиладиган бўлсам, ҳозирча дўппи бозордаги, Лабзак ва Чилонзордаги мавжуд ҳаммомларни дилтортар масканга айлантириш ҳақида ўйлаб, покизалик гўшаларини янада кўпайтириш ҳақида қайғурсак ёмон бўлмасди.

**Абдуфаттоҳ НАБИХЎЖАЕВ.**

*Мухбиримиз бонг уради*

## ҚАССОБ ЁҒ ҒАМИДА..., ФЕРМЕР-ЧИ?

**Гўшт дўконида осиғлиқ турган, ўзи бир кичик жайдари молдай келадиган сон гўштини кўриб:**

**— Вой-бў, хўп боқилган, зотдор мол эканми? — дегандим, қассоб мўйловини бураганча:**

**— Гўштни олинг, мазза қилинг, ака, зотини суриштириб нима қиласиз? — деб тўнғиллади. Ўшанда албатта, қассобнинг безовталигига тушунмовдим. Бироқ Фарғона вилоятидаги чорвачилик фермер хўжаликлари аҳволи билан танишар эканман, ўша тасодифий суҳбат асносида анча гап, муаммо ётишини англаб етдим.**

Фарғонада фермерлик ҳаракати анча ривожланган. Бу ердаги ўнлаб деҳқон хўжаликлари хусусий мулк эгаси бўлишгач, тадбиркорлик, қаттиқ меҳнат билан мўл-кўл қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирмоқдалар. Ўзлари ҳам бойишяпти, юрт дастурхонини ҳам тўкин қилишяпти. Бувайда туманидаги «Беҳзод» фермер хўжалигини ташкил этган пайтда фермер М. Турдиалиев қўлида 7 бош сигир бор эди, холос. Тўрт йил ичида фермадаги қорамоллар сони 50 дан ошиб кетди. Ўтган йили хўжалик бўйича 40 тоннадан ортиқ сут соғиб олинди. Топилган даромадга янги молхона қурилди. Қўш трактор, от-арава эгаси бўлди фермер. Риштон туманидаги «Мадад» фермер хўжалиги 1995 йилнинг ўн ойида 12 тонна сут, 3,5 тонна гўшт етказиб берди. Қувадаги «Ал-Мансур» хусусий фермер хўжалигида 800 бошга яқин қорамол парваришланяпти. Фермер Қ. Ҳакимов хўжалиги ичида сутни қайта ишлаш ва шоколадли музқаймоқ ишлаб чиқариш кичик корхоналарини қуряпти. Олтиариқдаги «Одил» фермер хўжалиги тасарруфида ҳозирнинг ўзида учта кичик корхона ишлаб турибди. Хўжалик ўзининг фирма дўконида аҳолига сут-қатиқ, гўшт маҳсулотларини сотяпти.

Лекин, вилоятдаги фермер хўжаликларидаги умумий аҳвол чапак чаладиган даражада эмас. Фермерлар сони кўпаймоқда. Ҳозирги пайтда 60 та хусусийлаштирилган сут-товар фермалари, «ким ошди» савдосида сотилган 135 та ферма мавжуд. Бир қарашда янги мулк эгалари бўлган фермерлар енг шимариб ишга киришмоқлари, фермани ривожлантириб, кўплаб мўмай даромад пайида ўзларининг ўтга-чўққа уришлари зарурдай туюлади. Бундай ҳаракат натижаси эса-мўл гўшт, сут, тухум... Бозор тўкинлиги, арзончилик... Минг афсуски, чорвачилик фермер хўжаликларида маҳсулот етиштириш камайиб кетяпти. Хусусийлаштирилган фермаларда моллар умумий сони 1728 бошга, сигирлар 231 бошга озайган. Хусусий фермаларда 1993 йили ҳар бир сигирдан 2361 килограммдан сут соғилганди. 1995 йилнинг ўн бир ойида эса бу рақам атиги 1646 килограммни ташкил этди. Яъни ҳар бир сигир бундан икки йил аввалгига нисбатан 715 кило сутни «кам» берган. 1993 йили ҳар юз бош сигирдан 85 тадан бузоқ олинган бўлса, 1995 йилнинг ўн бир ойида 71 тадан олинган. Хўш, маҳсулот камайиб кетишига ким айбдор? Турли баҳона, сансалорликлар билан фермер ишига туғаноқ бўлаётган раҳбарларми, ёки...

Қаранг, Учкўприк туманидаги «Наврўз» жамоа хўжалигидаги чорва фермасида ҳар бош сигирдан 2715 килодан сут соғиб олинди. Нега, жамоа хўжаликлари фермаларида хусусий фермага нисбатан маҳсулдорлик ортиқ? Фермерлик ҳаракатига соя солмоқчи эмасман. Бироқ, баъзи жойларда фермалар бўш-баёв, тадбиркорликдан йироқ, баҳонабоз одамлар қўлига ҳам ўтиб қоляпти, шекилли. Бувайда туманидаги «Рустам» паррандачилик фермер хўжалиги шу тумандаги «Семурғ», «Мурод», «Олхўри», «Нур» каби қатор деҳқон-фермер хўжаликлари икки йил давомида шартнома мажбуриятларида белгиланган бирор кило ҳам маҳсулотни етказиб бермаганлар. Ернинг, чорванинг умрини беҳуда ўтказиш , пировардида халқнинг ризқини қийиш эмасми, бу?! Айрим фермерларнинг ҳуда-беҳудага мол сўйиб юбораверишлари сир эмас. Айримлари эса зотдор чорва молларини хонаки, жайдарисига ёки кичигига алмаштириб оладилар. Юқоридагидек шопмўйлов қассобга ўхшаганларга йирик, зотдор моллар пулланади. Ўрнига эса бозордан кўримсиз, кам сут сигирлар келтирилади. Ўртадаги фойда фермер акаю қассоблар ҳамёнини қаппайтиради. Текширишда эса ҳамма иш жойида: моллар бош сони сақланган, ҳатто кўпайган ҳам! Сут, гўшт етиштириш эса камайиб бораверади.

Аслида бундай «операция» аввало ўша фермернинг ўзига зиён: чорвасидаги зотдор моллари камайгач, кейинчалик бу хўжаликнинг иши барбод бўлиши тайин. Бироқ, фақат бугунни ўйлаётган шундай калтабин кимсалар ҳам йўқ эмас. Улар бир нарсани эсдан чиқармасликларини истардим: 1985-90 йиллар давомида Ўзбекистонда қорамоллар бош сони асосан зотдор моллар ҳисобига 138 фоизга кўпайган. Четдан келтирилиб маҳаллий иқлим шароитларига мослаштирилган қора-ола, қўнғир-карпат, швед, қизил-литва, қизил-эстон, қўнғир-латвия зотли молларни ким билмайди. Фақат бугунги кун қайғусида не машаққатлар билан таркиб топтирилган бу зотдор чорва молларини қийратиш эл олдидаги гуноҳдир. Мамлакатимиз чорвачилиги асосан ана шу зотдор моллар ҳисобига тараққий этишини унутмайлик.

Лекин, айб фақат фермердами? Ахир, қарс икки қўлдан чиқади, дейдилар. Бувайда туманида ўтган йили 23 та фермер хўжалиги фаолияти тугатилган. Бувайдадаги тугатилган фермер хўжаликларидан бирининг бошлиғи билан суҳбатлашдик.

— Атрофда фермерчилик борасида бўлаётган гап-сўзларни эшитиб юриб, ҳавас уйғонди, — дейди биз билан суҳбатда собиқ «Баҳодир» фермер хўжалиги бошлиғи А. Аҳмедов, — гўшт етиштиришга ихтисослашган ферма ташкил қилишни дилга тугдим. 1994 йилнинг февралида давлатдан 22000 сўм қарз олиб, 22 бош мол қилдик. Озуқа етиштириш учун ер керак. Қани, ер беришса? Бу орада молларни уйда боқиб ётибмиз... Августга бориб, ғалладан бўшаган майдонлардан 5 гектар ажратиб беришди. Силосини ўриб олгач... Ерни яна олиб қўйишди! Қишдан амаллаб чиқдик. Баҳорда яна ер жанжали... Марказий Фарғонадаги «Олмос» хусусий фермасига қарашли ерлардан 4 гектарли майдонни ажратиб беришди. Ажратилган ер хўжалигимиздан 14 километр олисда. Минерал ўғит, уруғини ўз ёнимиздан пул сарфлаб олдик. Бунинг устига сув танқис бўлди. Маккажўхори ҳам, қовун-тарвуз ҳам битмади еримизда. 100 тонна силос оламан деган жойдан аранг 30 тонна озуқа олдик. Қарасам, бор-бутимни сарфлаб адо қиляпман. Шу боис ишни қандай шиддат билан бошлаган бўлсам, шундай тезликда ташлаб қўя қолишга қарор қилдим.

Мана, сизга бир деҳқон хўжалиги тарихи!..

Қувадаги «Қашқар» фермер хўжалиги эса 1992 йили ташкил топган. Ўшанда фермер Х. Тўланов ихтиёрида 7 бош мол бор эди. Ҳозирда қорамоллар бош сони 67 тага етган, шундан 38 таси зотдор сигир. Фермер хўжалиги ҳисобида анчагина пул ҳам бор.

Аммо, Х. Тўланов ўтган йилнинг ноябрь ойида туман ҳокимига ўз фермер хўжалигини тугатишни сўраб ариза берган... Нега? Маълум бўлишича, унга аввалига 6 гектар, кейин эса яна 3 гектар ер беришган. Маҳсулдорликни ошириш учун бу ер кифоя қилмайди. Фермер хўжалигини ортиқ ривожлантириш имкони йўқлигини тушуниб, ишни тўхтатмоқчи бўлган.

Фермер хўжаликларига қонун бўйича уларга тегишли ерларни тез ажратиб бериш, уларга ҳар тарафлама ёрдам кўрсатиш даркор. Афсуски, амалда бунинг тескариси бўлмоқда. Риштон туманидаги 2 та хусусий ҳиссадорлик жамияти фермерларига 1993 йилда умуман ер ажратилмаган. 1994 йилда 120 гектар ер кам ажратилган. Ўзбекистон тумани, Фарғона шаҳрида ҳам шундай манзарани кузатиш мумкин. Натижада 1995 йилнинг 11 ойи давомида ҳар бош молга атиги 11,9 центнердан озуқа бирлиги тайёрланган, холос. Шугина озуқани истеъмол қиладиган қорамолдан қанақа маҳсулот кутиш мумкинлигини мутахассислар яхши билишади.

Бунинг устига хусусий ҳиссадорлик фермаларига имтиёзли кредитлар кам берилаётир. Масалан, 1994 йилда вилоят бўйича хусусий ҳиссадорлик фермаларига режалаштирилганидан 131 минг сўм кам кредит маблағи берилди.

Фарғонанинг дашту далаларида қиш изғирини кезиб юрибди. Чорвачилик хўжаликларида қишловни кўнгилдагидек ўтказиш учун ҳаракат авжида. Тез орада баҳор шабадалари эсади. Чорвачилик хўжаликлари келгуси мавсумда қандай ишлар эканлар? Албатта, уларнинг ғайратига таъриф йўқ. Аммо, ҳар бир фермер хўжалигининг ўзида етарли ташаббус, тадбиркорлик бўлмаса, давлат ва жамоат ташкилотлари, тегишли раҳбарлар томонидан ҳам назорат, ҳам беғараз ёрдам бўлмаса, гўшт-сут маҳсулотларини ишлаб чиқариш камайиб кетавермасмикан? Вилоятда бугунги кунда олиб борилаётган ишлар шундай нуқсонларнинг камайишига умид уйғотмоқда. Ахир, қуш ҳам қуш қанот билан учади.

**Алишер ИБОДИНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.**

